

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТИНИ КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ: ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Атаназаров Хуршид Наджимович
Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи
ўринбосари – ИИБ хузуридаги тергов
бошқармаси бошлиғи, подполковник

АННОТАЦИЯ

Мазкур тезисда Ўзбекистон Республикасида 2023–2025 йиллар давомида қайд этилган оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг кўрсаткичлари жиноят-ҳуқуқий ҳамда криминологик хусусиятларига кўра комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотда Жиноят кодексининг 126¹-моддаси қисмлари кесимида зўравонликнинг босқичма-босқич эскалацияси, оғирлаштирувчи ҳолатлар, рецидив, қурол қўллаш ва ўлим билан боғлиқ ҳолатлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, жиноятларнинг мавсумий хусусиятлари таҳлил қилиниб, ёз ойлари ҳамда йил якунида зўравонлик ҳолатларининг ўсишига таъсир этувчи ижтимоий, психологик ва криминологик омиллар очиб берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимиз қонунчилигида оилавий (маиший) зўравонлик жиноятлари учун жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор тизимли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, оилавий зўравонликка қарши қонун қабул қилиниб, зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Бироқ, глобаллашув жараёнларининг жадал суръатларда ривожланиши ҳамда жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзгариб бориши ҳар қандай турдаги ҳуқуқбузарликларни, жумладан оилавий (маиший) зўравонлик ҳолатларини доимий таҳлил қилиб бориш, уларнинг ривожланиш тенденцияларини мунтазам мониторинг қилиш ва амалдаги қонунчилик нормаларини замонавий хавф-хатарлар ҳамда таҳдидларга мос равишда такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Айни шу масаланинг долзарблиги мутасадди идоралар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда ҳам алоҳида таъкидланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.Ш. Мирзиёева томонидан: “Биз оилавий зўравонликка қарши қонун қабул қилган Марказий Осиёдаги биринчи давлатмиз. Болаларга нисбатан содир этилган жинсий

жиноятлар учун жавобгарликни ҳам кучайтирдик. Аммо бу билан чекланиб қолмаслик керак”[1], дея қайд этилди.

Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини криминологик мезонлар асосида ўрганиш, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш тенденциялари ва хавф омилларини чуқур англаш имконини беради. Бундай таҳлил натижалари эса келгусида содир этилиши мумкин бўлган зўравонлик ҳолатларини олдини олишга қаратилган манзилли ва илмий асосланган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда таянч методик база бўлиб хизмат қилади.

Халқаро статистик таҳлиллар шундан далолат берадики, оилавий (маиший) зўравонлик – мураккаб ижтимоий, психологик ва криминоген жараён бўлиб, унинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш криминологик концепциялар ва давлат сиёсати асосини ташкил этади. Шунинг учун Ўзбекистонда оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларини ўрганиш ва таҳлил қилишда жиноятларнинг миқдор кўрсаткичлари, сифат кўрсаткичлари (зўравонлик тури, давомийлиги, такрорийлиги), ижтимоий-психологик омиллар, жабрланувчи ва жиноятчининг муносабат хусусиятлари, болаларнинг иштироки ва уларга таъсири, хавф гуруҳлари каби параметрларни комплекс ўрганиш зарур.

Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг тузилиши.

Маълумки, жиноятчилик тузилиши жиной-ҳуқуқий хусусиятларига ҳамда криминологик хусусиятларига кўра 2 турга бўлинади. Шунга кўра, республикада сўнги 3 йилда қайд этилган оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларнинг тузилиши ушбу 2 турга кўра таҳлил қилинди.

Таҳлилларга кўра, Жиноят кодекси назарда тутилган оилавий (маиший) зўравонлик жиноятининг 1–4 қисмлари “зўравонлик эскалацияси”нинг биринчи тўрт поғонаси сифатида баҳоланиши мумкин. Статистик маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, дастлаб маъмурий жавобгарликдан кейин содир этиладиган ҳуқуқларни чеклаш, таҳдид қилиш ва эркинликни назорат қилишга интилиш билан характерланувчи 1-қисм (2023 – 28 та, 2024 – 46 та, 2025 – 19 та) оилавий конфликтнинг дастлабки, латент (юқори фазаси) ва тез-тез эътибордан четда қоладиган босқичидир.

Бу босқичдаги ўсиш (айниқса 2023–2024 йилларда) зўравонликнинг “оддий ҳукмронлик”дан жисмоний босимга ўтишини тезлаштирувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Криминологик нуқтаи назардан модданинг 1-қисми “зўравонликнинг идентификация босқичи” ҳисобланади, яъни зўравон шахс жабрланувчи устидан назорат ўрнатишни ижтимоий-руҳий доминантлик воситаси сифатида қўллайди. Агар бу босқичда ижтимоий назорат суст бўлса, жисмоний таъсир кўрсатиш босқичига ўтиш муқаррар бўлади.

Буни модданинг 2-қисмига оид статистик рақамлар тўлиқ тасдиқлайди. Соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига **олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказиш** (2023 – 16 та, 2024 – 74 та, 2025 – 93 та)нинг 2024 йилдаги кескин ўсиши (362,5 %) оиладаги оддий маиший жанжаллардан жисмоний тажовузга ўтишнинг тўсиқсиз кечаётганини англатиши мумкин. Фанда бу “нормаллашган зўравонлик синдроми” деб аталади. 2025 йил 11 ойида ушбу кўрсаткичнинг яна ўсиши (93 та) агрессиянинг барқарор жисмоний кўринишга айланганини билдирувчи белги сифатида аҳамиятга эга.

Жиноят кодекси 126¹-модданинг 3-қисми эса оилавий зўравонликнинг энг кўп қайд этилган ва этилувчи сегментидир. Таҳлил қилинган йилларда оилавий зўравонликни ушбу турининг энг юқори кўрсаткичга эгаллиги (жами 1588 та) оилада жисмоний зўравонликнинг **қасдан баданга енгил шикаст етказиш** шакли энг кўп намоён бўлишини кўрсатади.

Криминологияда бундай тенденция “агрессиянинг даврий цикли” билан боғланади. Яъни, аввал рухий босим, кейин соғлиқни ёмонлашувига сабаб бўлмаган енгил шикаст, кейин эса жисмоний устунликни тўлиқ таъминлаш мақсадида куч ишлатиш. Мазкур зўравонлик турининг республикада энг юқори кўрсаткичга эгаллиги жабрланувчиларнинг ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилмаслиги, зўравоннинг жазодан кўрқмаслиги ва ижтимоий назоратнинг етарли эмаслиги билан боғлаш мумкин. Бундай ҳолатларда зўравонлик “муаммони ечиш воситаси” сифатида шаклланади ва девиант хулқнинг энг хатарли турларидан бири сифатида баҳоланади.

Жисмоний зўравонликнинг “**ўртача оғир**” **шикаст етказиш** орқали содир этилган тури одатда конфликтнинг ўрта юқори нуқтаси, психоэмоционал зўриқиш, оиладаги мувозанатнинг кескин бузилиши каби омиллар билан боғлиқ. Унинг 2024 йилда 44,7 %га ошиши, кейин 2025 йилда бироз пасайиши, зўравонликнинг цикли тусга эга эканини кўрсатади.

Умуман олганда, 1–4 қисмлар таҳлили шуни кўрсатадики, жисмоний зўравонлик сўнгги уч йилда босқичма-босқич ортган, унинг табиий шакли эса “рухий босим, назорат – енгил шикаст – даврий тажовуз – ўртача оғир шикаст етказиш” кўринишида намоён бўлмоқда. Бу динамика “эскалация феномени”нинг [2] тўла ишлаётганини, яъни зўравонлик ўз вақтида олди олинмаса, у албатта оғир шаклларга ўтишини тасдиқлайди.

Қуйидаги айрим оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган оилавий (маиший) зўравонлик жиноятларининг таҳлилини кўриб чиқамиз.

1) ўта шафқатсизлик билан ўртача оғир шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолатлар кўлами ўзгарувчан бўлса-да, унинг умумий миқдор (29 та) ва

барқарорлиги даврий характерга эга эканини англатади. “Ўта шафқатсизлик” белгиси агрессиянинг инструментал кўриниши сифатида намоён бўлади;

3) қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этилган оилавий (маиший) зўравонликлар (жами 67 та) бу – энг хавfli тенденциялардан бири. Қурол ишлатиш зўравонликнинг оддий жисмоний босқичдан ҳаёт учун хавfli босқичга ўтганини кўрсатади. Айрим адабиётларда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш қурол ишлатиш билан боғлиқ “агрессиянинг катализатори” деб таърифланади.[3] Йилдан-йилга ушбу ҳолатларнинг ўсиб бориши оила ичида қурол қўллаш ҳолатларининг кучайиб бораётганини кўрсатади. Бу ҳолатни мазкур жиноятларнинг алоҳида мониторинг соҳаси сифатида кўриб чиқишни тақозо этади;

4) ушбу турдаги жиноятнинг бир нечта оғирлаштирувчи белгиларнинг бир вақтда қўлланилиши (масалан, “*в + ж + и*” бандлари – *ўта шафқатсизлик, рецидив ва қурол қўллаш бир вақтда*; “*б + и*” бандлари – *ҳомилдор аёл ва қурол қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар*; “*а + в + ж + и*” бандлари – *зўравонликнинг энг хавfli юқори даражадаги мажмуаси*) фанда “кумулятив агрессия”[4] деб баҳоланади. Бир нечта оғирлаштирувчи ҳолатнинг бирлашиши қилмишнинг комплекс агрессия ёки режалаштирилган ҳаракат эканини англатади. Бу эса оилавий зўравонлик эндиликда фақат оддий муаммо эмас, балки оммавий-ижтимоий хавф билан боғлиқ янги криминологик категорияга айланаётганини англатади.

Оғир шикаст етказиш билан боғлиқ оилавий-маиший зўравонликнинг энг оғир босқичларидан бири ҳисобланади. Бу босқичда баданга қасдан етказилган оғир шикаст, одатда, бир марталик ҳиссий портлаш эмас, балки давомий, такрорий ва тизимли зўравонликнинг **кульминацион шакли** сифатида намоён бўлади. Мазкур кўрсаткичлар тадқиқотнинг дастлабки параграфларида илгари сурилган мураккаб оилавий зўравонликликлар назариясини қай даражада долзарб эканлигини тасдиқлайди.

Таҳлиллар (2023 – 45 та, 2024 – 53 та, 2025 йил 11 ой – 45 та) ушбу турдаги жиноятлар сони йиллар кесимида сезиларли ўзгаришсиз, бироқ юқори нуқтада сақланаётганини, оилавий муносабатлардаги муаммолар **структуравий ва доимий хусусият** касб этаётганини кўрсатади. Олимлар бундай агрессия турини маиший можаронинг тасодифий оқибати эмас, балки зўравоннинг қурбон устидан тўла ҳукмронлик ўрнатиш моделига хизмат қилиши, деб тушунтиради.[5]

Шунингдек, мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфи ўта юқори бўлишига сабаб унинг оғирлаштирувчи ҳолатлари (а–i бандлари) ҳисобланади. Бу ҳолатлар оила ичидаги зўравонликнинг шунчаки кучайиб бориши эмас, балки унинг ижтимоий назоратдан чиқиб кетганини англатади. Масалан:

1) ўта шафқатсизлик билан содир этилиши – жисмоний зўравонликнинг психологик оғирлашган шаклидир. Олимлар “ўта шафқатсизлик” ҳолати ота-она орқали зўравонликнинг авлоддан-авлодга [6] ўтиши эҳтимолини оширишини ҳам таъкидлайди.

2) 2023–2025 йиллар давомида жами 25 та ҳолатда рецидивист (ўта хавфли рецидивист) томонидан ушбу турдаги жиноят содир этилган. Sherman назариясига кўра [7], жазо айрим шахсларда ижтимоий мослашув эмас, аксинча, жамиятга қарши чиқиш ҳиссини кучайтиради. Мазкур жиноятларда рецидив ҳолатларнинг учраши айрим ҳудудларда профилактик ишларда жиддий камчиликлар борлигининг аниқ белгисидир.

Модданинг ушбу қисмига оид таҳлиллар оилавий-маиший зўравонлик жиноятлари сўнгги йилларда нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатдан ҳам хавфлироқ тус олаётганидан далолат бермоқда. Қурол қўллаш, ўта шафқатсизлик, ҳомиладор аёлга нисбатан тажовуз, рецидив ва бир неча оғирлаштирувчи ҳолатнинг бир вақтда содир этилиши оиладаги зўравонликнинг оддий маиший можаро эмас, балки ижтимоий хавфли жиноий қилмишнинг узлуксиз тизимига айланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Жиноят кодексининг 126¹-моддаси 8-қисми оилавий-маиший зўравонликнинг энг оғир, энг хавфли ва ижтимоий оқибатлари кенг бўлган босқичини ифода этади. Ушбу босқичда зўравонлик жисмоний ёки психологик назорат воситасидан чиқиб, тўғридан-тўғри ҳаётга тажовуз шаклига айланади. Таҳлилларга кўра, сўнгги уч йилда республикада жабрланувчининг ўлими билан боғлиқ 38 та оилавий зўравонлик ҳолати қайд этилган. Эътиборлиси, бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Walker назариясига кўра [8], маиший зўравонлик ҳеч қачон бир кунда ўлимгача етиб қолмайди, у бир нечта босқич орқали (назорат қилиш, енгил, ўртача оғир, оғир шикаст етказиш, ўлим) авж олади. Жабрланувчининг ўлими юқоридаги эскалациянинг якуний нуқтаси, яъни аввалги босқичлар тўхтатилмаганининг табиий оқибатидир. Айрим тадқиқотларда ўлим билан тугаган зўравонлик латентликнинг давомийлиги билан боғлиқ экани айтилади.

Такроран, хавфли рецидивист томонидан ёхуд олдин Жиноят кодексининг 97 ёки 104-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан содир этилиши энг хавфли омиллардан бири, чунки Gottfredson ва Hirschi назариясига кўра [9], рецидивистда импульсивлик, назоратни йўқотиш, тажовузни бошқаролмаслик каби хусусиятлар жуда кучли намоён бўлади.

Шу сабабли, қасддан одам ўлдириш ва баданга оғир шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларни “зўравонлик”га мойиллиги юқори ва улар томонидан содир этилган бу галги қилмиш зўравонликнинг тасодифий оқибати эмас, балки уларнинг олдинги хулқи билан боғлиқ омилларнинг давоми

сифатида баҳолаш мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, “бундай тоифадаги шахслар томонидан содир этиладиган оилавий (маиший) зўравонлик – бу фақат маиший зиддият эмас, балки шахсий психопатологик хусусиятлар билан боғлиқ муаммодир”.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда оилавий-маиший зўравонликнинг энг оғир турлари (шакллари) нафақат мавжуд, балки барқарор динамикага эга. Икки ва ундан ортиқ шахсга нисбатан тажовуз, хавфли ва ўта хавфли рецидив, курул қўлланиши ҳамда жабрланувчининг ўлиши буларнинг барчаси – зўравонликнинг оддий маиший низо эмас, балки фундаментал ижтимоий хавф омилларига эга жинойт тизимга айланганини кўрсатади, десак муболаға бўлмайди.

Яна бир муҳим масала. Лондонлик олимлар [10] жинойтнинг мавсумийлигини таҳлил қилиш ва ўхшаш мавсумий хусусиятларга эга бўлган жинойтлар кластерларини шакллантириш асосий омилларни аниқлашга ва назорат қилиш стратегияларини барқарор бошқариш имконини берувчи патруллик ва мониторинг усулларини қайта кўриб чиқишга ёрдам беришини таъкидлайдилар.

Шу муносабат билан, **сўнгги уч йилда республика миқёсида қайд этилган ушбу турдаги жинойтлар содир этилиш мавсуми ва ойлари кесимида таҳлил қилинди (криминологик хусусиятларига кўра).**

Таҳлиллар давомида қуйидагилар маълум бўлди:

Таҳлиллар давомида фасллар бўйича энг юқори кўрсаткич “ёз” фаслига (июнь–июль–август) тўғри келган. Хусусан, 2023 йилда оилавий (маиший) зўравонликлар умумий жинойтларнинг *35 фоизини*; 2024 йилда *28,05 фоизини*; 2025 йилнинг 11 ойида *32,4 фоизини* ташкил этган.

Криминологияга оид илмий манбаларга кўра, ҳароратнинг кўтарилиши инсон физиологиясида кўзғалишни оширади ва бу агрессия эҳтимолини кўтариши мумкин. Амалда бу тез-тез ёз ойларида жанжаллар ва оилавий зўравонликнинг кўпайиши билан намоён бўлади. Таҳлилларда ҳам ёз ойлари (июнь–июль–август) юқори улушга эга. Бу кўрсаткичлар Anderson ва бошқаларнинг [11] илмий қарашларида илгари сурилган қуйидаги қарашларни қўллаб-қувватлайди. Яъни, “Одамлар – иссиқ ҳарорат ғазаб ва душманлик туйғуларини кучайтиради, хушёрлик ва қувватни пасайтиради, тажовузкорлик ва зўравонликни кучайтиради, деб ҳисоблашади. Совуқ ҳарорат мутлақо тескари таъсир кўрсатади”.

Рутиннинг фаоллик назарияси (Routine Activity Theory)га кўра [12], жинойт учта шартнинг тўғри келиши натижасида содир бўлади: мотивланган жинойтчи, мос объект ва назоратнинг йўқлиги. Ушбу назарияни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин. “Ёз” фаслида мактаб таътиллари бўлиши ҳамда катта ёшли

шахслар ва мактаб ёшидаги болалар кўп вақт уйда бирга қолиши, шунингдек, айрим давлат идораларида ишловчи шахслар айнан ёз фаслида меҳнат таътилига чиқиши ва яқинлари, оила аъзолари билан кўп вақтини ўтказиши ҳам бунда муҳим қўшимча омил бўлиб хизмат қилади.

Бошқа бир гуруҳ олимлар оилавий зўравонликлар ушбу мавсумда ортишини алколог маҳсулотлари истеъмоли айнан шу фаслда кўпайиши билан боғлайди. Ушбу илмий қарашларга ҳам қўшилиш мумкин. Чунки, айнан ёз фаслида тўйлар, байрамлар, тадбирлар кўпаяди, табиийки ушбу тадбирларда алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ва бунинг оқибатида агрессия потенциали ҳам ўсади. Канада аҳолиси ўртасида ўтказилган умумий тадқиқот шуни кўрсатдики [13], алкоголь жиддий жанжаллар билан боғлиқ ҳодисаларнинг тахминан 38 фоизида, таҳдидлар билан боғлиқ ҳодисаларнинг 57 фоизида ва жисмоний тажовуз билан боғлиқ ҳодисаларнинг 68 фоизида иштирок этган.

Йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида (2023 йилда – 143 та, 2024 йилда – 147 та) ҳам оилавий (маиший) зўравонликларнинг кўпайишини йил давомидаги кундалик стрессларнинг йил якунида тўпланиши натижасидаги рухий портлаш билан изоҳлаш мумкин. Бу нуқтаи назар халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида қилинган “йил якунидаги стресслар концентрацияси” хулосаси билан ҳам асосланади. Хусусан, World Health Organization ташкилотининг “World report on violence and health” номли хисоботида [14] “stress accumulation”, яъни йил давомида тўпланган ижтимоий, иқтисодий, маиший стресслар оилавий зўравонликка олиб келишидаги асосий хавф омилларидан бири сифатида йил якунида намоён бўлади.

Бошқа бир гуруҳ олимлар мавсумий психологик эмпатия ва ижтимоий назорат ошиши натижасида январь ва февраль ойларида оилавий (маиший) зўравонлик жиноятлари кам қайд этилишини билдиради. Бироқ, йиғилиб қолган низолар кейинчалик ёз фаслида ва йил охирида портлашини, натижада ушбу ойларда жиноятлар сони кўпайишини қайд этади.[15]

Юқоридаги таҳлиллар ва кузатишлар натижасида “июнь–август” ва “ноябрь–декабрь ойларида ҳудудларда патруллик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, ижтимоий-психологик марказлар учун қўшимча ресурслар ажратиш, ҳуқуқбузарликларнинг латентлигининг олдини олиш чораларини кўриш, бу борада “маҳалла еттилиги” томонидан аноним сўровномалар ўтказиб бориш, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари сони ва кўламини кўпайтириш, ушбу жиноятларни содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг оилавий эҳтиёжлари, кредит қарздорлиги, психологик ҳолати бўйича алоҳида мониторингларни олиб бориш йўналишларида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Саида Мирзиёева: “Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш курук гапда эмас, балки амалда бўлиши керак”. С.Мирзиёеванинг аёллар ва болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир йиғилишда сўзлаган нутқидан. t.me/SshMirziyoyeva. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.12.2025 йил)
2. Усиление роли системы здравоохранения в реагировании на гендерное насилие в восточной европе и центральной азии. сборник материалов. https://eeca.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/wave-unfpa_russian_.pdf. С. 104. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 5.12.2025 йил)
3. Зарубина О. Катализатор агрессии. <https://www.bykhov.by/na-strazhe-zakona185686/>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 5.12.2025 йил)
4. Забалуев А.А. Кумулятивная травма: тихая эрозия психики. <https://www.b17.ru /id135482/>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 5.12.2025 йил)
5. Mary Ann Dutton. Lisa A. Goodman. Coercion in Intimate Partner Violence: Toward a New Conceptualization. <https://niwaplibrary.wcl.american.edu/wp-content/uploads/Dutton-Goodman-coercive-control-model.pdf>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 7.12.2025 йил)
6. Bandura. Social Learning Theory. P.6,17-18. https://www.asecib.ase.ro/mps/Bandura_Social LearningTheory.pdf. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 7.12.2025 йил)
7. Sherman L. W. Defiance, Deterrence, and Irrelevance: A Theory of the Criminal Sanction. https://www.researchgate.net/publication/245851916_. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 7.12.2025 йил)
8. Ўша манба
9. Hasan Buker. Formation of self-control: Gottfredson and Hirschi's general theory of crime and beyond. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1359178911000309>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 8.12.2025 йил)
10. Narushige Shiode and others. Seasonal characteristics of crime: an empirical investigation of the temporal fluctuation of the different types of crime in London. https://www.researchgate.net/publication/370543000_. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 8.12.2025 йил)
11. Craig A. Anderson and others. Temperature and aggression. <https://www.sciencedirect.com/science/chapter/bookseries/abs/pii/S006526010080> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.12.2025 йил)
12. Lawrence E. Cohen and others. Social change and crime rate trends: a routine activity approach. <https://faculty.washington.edu/matsueda/courses/587>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.12.2025 йил)
- 13.¹ Peter R. Giancola and others. Men and Women, Alcohol and Aggression. https://www.researchgate.net/publication/26655622_. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.12.2025 йил)

14. World Health Organization (WHO). World report on violence and health (“WRVH”). <https://www.sparkblue.org/system/files/2022>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 12.12.2025 йил)
15. Ўша манба.
16. Ahmad o'g'li S. M. NOGIRONLIGI BO 'LGAN SHAXSLARNING SHAXSIY HUQUQ VA ERKINLIKLARINI TA'MINLASHNING MILLIY MEKANIZMLARI //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 482-489.
17. Ahmad o'g'li S. M. et al. ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ ТУШУНЧАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТУРЛАРИ //Modern education and development. – 2025. – Т. 26. – №. 1. – С. 171-176.
18. Чориев М. А. ШАХСИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ //ХАБАРШЫСЫ. – 2022. – Т. 3. – С. 156.
19. Ahmad o'g'li S. M. ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР Чориев Махмуджон Аҳмад ўғли.
20. ЧОРИЕВ М. ШАХСИЙ ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАСНИФИ //UNIVERSITETI XAVARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324.
21. Фозилов У. Э. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШДА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАЗМУНИ-МОҲИЯТИ //Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 9. – С. 4-8.
22. Фозилов У. Э. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. ном. дисс. автореф. – 2009.
23. Ниматов Ш. Н. и др. ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ //ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.
24. Ниматов Ш. Н. и др. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛДАГИ ҲОЛАТ ВА ХУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАР //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 55. – №. 1. – С. 229-243.
25. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140.
26. Ниматов Ш. Н. и др. ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА ҲАМДА Е-ЎТМОЙУ ПРОФИЛАКТИКА ТИЗИМИ: АХЛОҚҚА ҚАРШИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 450-465.
27. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ‘МАҲАЛЛА

- ЕТТИЛИГИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ
//Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 436-449.
28. Ниматов Ш. Н. и др. ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР
ҲАМКОРЛИГИ РАИСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР,
АМАЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА САМАРАДОРЛИК //Лучшие
интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 57. – №. 2. – С. 390-401.
29. Ниматов Ш. Н. и др. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА
ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ: ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАР ВА АМАЛИЙ МЕХАНИЗМЛАР //JOURNAL OF NEW
CENTURY INNOVATIONS. – 2025. – Т. 87. – №. 1. – С. 114-122.
30. Маматов Ш. И. Ў. ТОВАРЛАРНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРИНГ
ЎРНИ //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management
Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 3. – С. 143-146.
31. БЎЙИЧА Ҳ. П. " ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА
НОРМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
//ОБРАЗОВАНИЕ. – 2025. – Т. 79. – №. 2. – С. 143-157.